

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 4 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 8, НОМЕР 4

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 8, ISSUE 4



# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№4 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2025-4>

**Бош муҳаррир:**  
**Тўхтасинов Илҳом**  
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Главный редактор:**  
**Тухтасинов Илхом**  
д.п.н., профессор (Ўзбекистан)

**Заместитель главного редактора:**

**Editor in Chief:**  
**Tuhtasinov Ilhom**  
DSc. Professor (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умарўғли**  
ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**  
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Бокиева Гуландом**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**  
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**  
ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматкул**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахиммамед**  
к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Жеймс Форт**  
Мичиган университети (АҚШ)

**Умархўжаев Мухтор**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабоев Ҳамидулла**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шнукашвили Тамар**  
ф.ф.д. (Грузия)

**Туробов Бекпулат**  
масъул қотиб, PhD, доцент  
(Ўзбекистон)

**Мўминова Маъсума Ғолиб қизи**  
ф.ф.д., (PhD) вб. доцент

## РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

**Назаров Бахтиёр**  
академик. (Ўзбекистан)

**Якуб Умар оғли**  
д.ф.н., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**  
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бакиева Гуландом**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Миннуллин Ким**  
д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Махмудов Низомиддин**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Керимов Исмаил**  
д.ф.н., профессор (Россия)

**Джўраев Маматкул**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Куренов Рахиммамед**  
к.ф.н. (Туркменистан)

**Кристофер Джеймс Форт**  
Университет Мичигана (США)

**Умархаджаев Мухтар**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Мирзаев Ибодулло**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Балтабаев Ҳамидулла**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Дўстмухаммедов Хуршид**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Лиходзиевский А.С.**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Сиддикова Ирода**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Шнукашвили Тамар**  
д.ф.н. (Грузия)

**Туробов Бекпулат**  
отв. секретарь, PhD, доцент  
(Ўзбекистан)

**Муминова Масума Ғолиб қизи**  
PhD и.о. доцент

## EDITORIAL BOARD

**Bakhtiyor Nazarov**  
academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umarogli**  
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**  
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**  
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**  
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**  
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**  
University of Michigan (USA)

**Umarchodjaev Mukhtar**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammadov Khurshid**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Shiukashvili Tamar**  
Doc. of philol. scien. (Georgia)

**Turobov Bekpulat**  
PhD Ass. prof. Senior Secretary  
(Uzbekistan)

**Mo'minova Ma'suma**  
PhD Acting Docent  
(Uzbekistan)


PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

<b>1. Tajibayeva Latofat Farxodovna</b> TABIAT VA INSON MUNOSABATLARINING ADABIYOTDA AKS ETISHI.....	5
<b>2. Syuy Myao</b> КРАТКОЕ РАССМОТРЕНИЕ ЯЗЫКОВОЙ И РИТОРИЧЕСКОЙ ЭСТЕТИКИ В «ЗОЛОТОЙ ЦЕПИ» ЧЖАН АЙЛИН.....	9
<b>3. Najmiyeva Po‘lotoy Tilavmurodovna</b> O‘ZBEK VA YAPON TILLARIDA KELISHIK QO‘SHIMCHALARI VA YAPON TILIDAGI KELISHIK PARTIKULALARINING MORFOLOGIK HAMDA SINTAKTIK MOHIYATI.....	14
<b>4. Lutfilloeva Faxriniso Maxmudovna</b> ЯПОН МИЛЛИЙ МАФКУРАСИДА ТИЛ ОМИЛИ ВА УНИНГ ИДЕОЛОГИК КОНЦЕПЦИЯСИ.....	20
<b>5. Shaniyazov Jenisbay Ungarbaevich</b> TURKIY VA INGLIZ TILLARIGA MUSHTARAK SO‘ZLAR HAQIDA.....	25
<b>6. Ergasheva Tursunoy Abdukaюmovna</b> ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИ ВА SALES TAX АТАМАЛАРИНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК ҚИЁСИЙ ТАХЛИЛИ.....	29
<b>7. Xolikov Bahodir</b> DEV O‘ZBEK MIFOLOGIYASI DOMINANT OBRAZALARIDAN BIRI SIFATIDA.....	34
<b>8. Nilufar Abduraxmonova, Mahliyo Eshmamatova</b> PARALLEL KORPUS ASOSIDA RAVISHDOSHLI BIRIKMALARNING SEMANTIKASI VA STRUKTUR MODELLARI TADQIQI.....	40
<b>9. Hasanova Sevinch Hotam qizi</b> THE MULTILEVEL STRUCTURE OF THE LANGUAGE SYSTEM AND ITS CONCEPTUAL INTERPRETATION IN TRANSLATION THEORY.....	52
<b>10. Namazova Manzura Urakovna</b> O‘ZBEK ADABIYOTIDA PSIXOLOGIZM (O‘ZBEK ROMANLARI ASOSIDA).....	58
<b>11. Mavloнова Наргиза Алишеровна</b> ПРИНЦИПЫ ОТБОРА ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ СООТВЕТСТВИЙ И ИДЕОГРАФИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ АНГЛИЙСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ И ИХ СООТВЕТСТВИЙ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	63
<b>12. Ismailov Anvar Rustamovich</b> CHET TILI O‘QITUVCHILARNING PEDAGOGIK KOMPETENSIYASINING MOHIYATI.....	70
<b>13. Achilova Zuxra Qurbonovna</b> “MALLA SAVDOGAR” DOSTONI VARIANTLARIDA AVAZXON BILAN BOG‘LIQ SAFAR MOTIVI VA VAQT KULTI.....	75
<b>14. Abduraxmonova Nilufar Zaynobiddin qizi, Xoljurayeva Yulduz Sobir qizi</b> O‘ZBEK TILIDAGI NORP OBYEKTLARINI BIOES ANNOTATSIYA SXEMASI ASOSIDA ANIQLASH.....	88
<b>15. Kim Татьяна Сергеевна</b> ДИСКУРСИВНЫЙ АНАЛИЗ НОВОСТНОГО ТЕКСТА КОРЕЙСКИХ ГАЗЕТ.....	96
<b>16. Laziza Djhiyanbayeva</b> РАНГ КОМПОНЕНТЛИ ТУРФУН БИРИКМАЛАР.....	102
<b>17. Laziza Dzhiyanbayeva</b> SOCIAL CHARACTERISTICS OF COLOR SEMANTICS.....	108
<b>18. Makhammatkulova Diyora Nodirovna, Makhammatkulova Iroda Nodirovna, Rahimov Nodir Makhammatkulovich</b> DIGITAL FOOTPRINT AS A PHENOMENON OF MODERN EDUCATION.....	114

<b>19. Boboyev Ulash Ne'matovich</b> OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI TILINING LEKSIK IMKONIYATLARI (GAZETA TILI MISOLIDA).....	120
<b>20. Файзуллаева Мохинорабегим Бехзодбек кизи</b> СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РЕЧЕВЫХ АКТОВ ИЗВИНЕНИЯ В КИТАЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	124
<b>21. Rashidova Muxlisa, Sobirova Madina Mahmudjon qizi</b> UNIVERSAL DEPENDENCIES MODELI DOIRASIDA SINTAKTIK ANNOTATSIYALANGAN KORPUSLARNI TAHLIL QILISH.....	129
<b>22. Ишниязова Шахноз Ашировна</b> МИФОЛОГИЧЕСКОЕ МЫШЛЕНИЕ И ТОТЕМИЧЕСКИЕ МОТИВЫ В УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЕ XX ВЕКА: К ПРОБЛЕМЕ ТИПОЛОГИЧЕСКОЙ БЛИЗОСТИ С ПРОИЗВЕДЕНИЯМИ ЧИНГИЗА АЙТМАТОВА.....	135
<b>23. Тошбекова Дилором Исмоиловна</b> СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ СТРУКТУРНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ИРОНИЧЕСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	143
<b>24. Умурова Гузал Хотамовна</b> ПСИХОЛОГИЯ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ТВОРЧЕСТВА - ЗНАЧИМОСТЬ КОМПЛЕКСНОГО ПОДХОДА К ИЗУЧЕНИЮ И ОРГАНИЗАЦИИ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.....	149
<b>25. Даминова Фазода Ирисовна</b> ТЕОРЕТИКО-ИСТОРИЧЕСКИЕ И МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ДРЕВНЕРУССКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.....	154
<b>26. Усманова Салиха Юлдашевна</b> ИЗ ИСТОРИИ ИЗУЧЕНИЯ ВВОДНО-МОДАЛЬНЫХ ЕДИНИЦ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ.....	161
<b>27. Hakimov Muxamadali Rafikovich</b> ITALYAN TILIDA "ERKAKLIK" GENDER TUSHUNCHASINING LEKSIK-SEMANTIK VA LINGVOMADANIY TAHLIL.....	170
<b>28. Lola Ibragimova</b> INGLIZ VA O'ZBEK FRAZELOGIYASI: STRUKTUR-SEMANTIK VA LINGVOMADANIY XUSUSIYATLAR (SOG'LIQ-SALOMATLIK MAQOLLARI MISOLIDA).....	176
<b>29. Nazirova Munisa Mirzakamalovna</b> MODAL BIRLIKLARNING LINGVISTIK VA PRAGMATIK ASOSLARI.....	182
<b>30. Sharipov Raufjon Elmurod o'g'li</b> AKADEMIK G'ANIJON ABDURAHMONOVNING "TARIXIY SINTAKSIS" ASARIDA QO'SHMA GAPLAR EVOLYUTSIYASI.....	186
<b>31. N.Z.Abduraxmonova, Salomat Otamurodova</b> MASHINA TARJIMASI VA LINGVISTIK JARAYONLAR.....	191
<b>32. Davlatova Hulkaroy Uktamovna</b> BOLALARDA TIL VA TAFAKKURNING SHAKLLANISHI: LINGVOKOGNITIV YONDASHUVDA NAMOYON BO'LISHI.....	198



ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

# INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

**Лутфиллоева Фахринисо Махмудовна**


Самарқанд давлат чет тиллар институти

Япон филологияси кафедраси Педагогика

фанлари бўйича фалсафа доктори, в.б.профессор

lutfilloyeva@mail.ru

## ЯПОН МИЛЛИЙ МАФКУРАСИДА ТИЛ ОМИЛИ ВА УНИНГ ИДЕОЛОГИК КОНЦЕПЦИЯСИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.19322449>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада япон тилининг миллий мафкура шаклланишидаги ўрни таҳлил қилинади. Тил нафақат мулоқот воситаси, балки миллий ўзлик, тарихий хотира ва маданий кадриятларни ифодаловчи муҳим ижтимоий омил сифатида қаралади. Япон жамиятида тил орқали ижтимоий иерархия, жамоавийлик, ахлоқий меъёрлар ҳамда “ўзиники” ва “бегона” тушунчаларининг шаклланиши ёритилади. Айниқса, кейго тизими, билвосита нутқ шакллари ва ути–сото концепциялари япон тилининг мафкуравий вазифасини очиб беришда асосий восита сифатида кўрсатилади. Шунингдек, ниҳонжинрон ғоялари доирасида тил ва миллий ўзлик ўртасидаги узвий боғлиқлик, бу қарашларнинг тарихий илдизлари ва ижтимоий сабаблари кенг ёритилади. Мақолада япон миллий мафкурасининг шаклланишига таъсир этган сиёсий, маданий ва психологик омиллар таҳлил қилиниб, тилнинг миллатчилик ғояларини асослашда тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** япон тили, миллий мафкура, миллий ўзлик, ниҳонжинрон, кейго, ути ва сото, миллатчилик, кокугаку, япон жамияти, тил ва мафкура

**Лутфиллоева Фахринисо Махмудовна**

Доктор философии в области педагогических наук, исполняющая обязанности профессора кафедры японской филологии Самаркандского государственного института

иностранных языков

lutfilloyeva@mail.ru

## ЯЗЫКОВОЙ ФАКТОР И ЕГО ИДЕОЛОГИЧЕСКАЯ КОНЦЕПЦИЯ В ЯПОНСКОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕОЛОГИИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется роль японского языка в формировании национальной идеологии. Язык рассматривается не только как средство коммуникации, но и как важный социальный фактор, отражающий национальную идентичность, историческую память и культурные ценности. Показано, каким образом через язык в японском обществе формируются социальная иерархия, коллективизм, нравственные нормы, а также разграничение понятий «свой» и «чужой». Особое внимание уделяется системе кэйго, косвенным формам речи и концепции ути–сото как основным средствам проявления идеологической функции японского языка. Кроме того, в рамках идей ниҳондзинрон

рассматривается тесная взаимосвязь между языком и национальной идентичностью, а также анализируются исторические корни и социальные причины данных представлений. В статье также исследуются политические, культурные и психологические факторы, повлиявшие на формирование японской национальной идеологии, и подчёркивается роль языка в обосновании националистических идей.

**Ключевые слова:** японский язык, национальная идеология, национальная идентичность, нихонджинрон, кэйго, ути и сото, национализм, кокугаку, японское общество, язык и идеология

**Lutfilloeva Fakhriniso Makhmudovna**

Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences, Acting Professor, Department of Japanese Philology, Samarkand State Institute of Foreign Languages  
lutfilloeva@mail.ru

## THE LANGUAGE FACTOR AND ITS IDEOLOGICAL CONCEPT IN THE JAPANESE NATIONAL IDEOLOGY

### ABSTRACT

This article examines the role of the Japanese language in the formation of national ideology. Language is viewed not only as a means of communication but also as a significant social factor embodying national identity, historical memory, and cultural values. The study highlights how social hierarchy, collectivism, moral norms, and the distinction between “insiders” and “outsiders” are constructed through language in Japanese society. Particular attention is paid to the keigo system, indirect speech forms, and the uchi–soto concept as key mechanisms through which the ideological function of the Japanese language is realized. Furthermore, within the framework of Nihonjinron discourse, the close relationship between language and national identity is analyzed, along with the historical roots and social foundations of these ideas. The article also explores the political, cultural, and psychological factors that have influenced the development of Japanese national ideology, emphasizing the role of language in legitimizing nationalist narratives.

**Keywords:** Japanese language, national ideology, national identity, Nihonjinron, keigo, uchi and soto, nationalism, kokugaku, Japanese society, language and ideology

Миллий мафкура шаклланишида тилнинг ўрни бекиёсдир. Тил нафақат мулоқот воситаси, балки халқнинг тарихий хотираси, маданий қадриятлари ва дунёқарашини мужассам этган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Шу маънода, япон тили Япония жамиятида миллий ўзликни англаш, жамоавийлик, ижтимоий иерархия ва ахлоқий меъёрларни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Япон жамиятида тил орқали ҳурмат, масъулият ва ижтимоий масофа аниқ ифодаланади. Кейго тизими, билвосита нутқ шакллари ҳамда “учи” ва “сото” (Учи–сото модели япон тилида ҳурмат шакллари (кейго) ва нутқнинг билвосита услуги билан чамбарчас боғлиқ. Нутқ жараёнида сўзловчи ўзини қайси гуруҳга мансуб деб билишига қараб тил бирликларини танлайди. Бу ҳолат тилнинг нафақат коммуникатив, балки мафкуравий вазифани ҳам бажаришини кўрсатади, яъни тил орқали жамоавийлик ва ижтимоий чегаралар мустаҳкамланади.) ни ажратиб кўрсатадиган тил бирликлари япон тилининг нафақат лингвистик, балки мафкуравий вазифасини ҳам намоён этади. Айнан шу жиҳатлар япон тилини миллий мафкуранинг муҳим таянчларидан бирига айлантирган. Япон тилининг миллий мафкура шаклланишидаги ўрни, унинг тарихий ва ижтимоий асослари ҳамда Нихонжинрон қарашлари доирасида тил ва миллий ўзлик ўртасидаги узвий боғлиқлик таҳлил қилинади.

Нихонжинрон ғоялари — аввалги даврларда пайдо бўлган шунга ўхшаш қарашлар каби — турли далиллар билан асосланганига ва маданият ҳамда тилнинг турлича, гўё алоқаси йўқ бўлиб кўринадиган ҳодисаларига татбиқ этилганига қарамай, айрим умумий хусусиятларни сақлаб қолади. Булар, биринчидан, миллий ўзликни кескин ҳис этиш, иккинчидан, миллий анъаналар ва анъанавий турмуш тарзидан фахрланиш ҳамда Америка турмуш тарзига

нисбатан эҳтиёткор муносабат, учинчидан, маданий ва тилга оид изоляционизм (яккаланиш сиёсати) кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Бироқ Сузуги Такао каби нуфузли олим юкорида келтирилган иккита хусусиятни сақлаган ҳолда, учинчи жиҳатдан қатъиян воз кечиб, Япониянинг халқаролашуви зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Бундай тасаввурларнинг барқарорлигининг сабаблари шундан иборатки, Р. Е. Миллер ва П. Дейл таъкидлаган сиёсий омиллар билан бирга, маданий ва психологик омилларни ҳам инобатга олиш лозим. Модернизация ва ғарбга мослашув йўлига кирган ҳар қандай халқ ўз миллий ўзига хослигини англаб олишга, ўз маданиятининг Ғарб маданиятидан нимаси билан фарқ қилишини аниқлашга эҳтиёж сезади. Табиийки, турли халқларда “ғарбпарастлар” билан бир қаторда ўзига хос “миллийлик тарафдор”лар ва “маҳаллий анъана ҳимоячи”лари ҳам пайдо бўлади — улар бу ёки бошқа шаклда ўз маданиятининг, ўз дунёқарашининг, кўпинча эса ижтимоий тузумининг устунлигини ҳимоя қиладилар. Энг кўп ҳолларда бундай ғоялар халқда фахрланишга сабаб бўладиган муваффақиятли тараққиёт даврларида тарқалиб, машҳур бўлиб кетади. Аммо миллий фахр жуда осонлик билан меъёрни бузиб, турли хил афсоналарнинг пайдо бўлишига ва ривожланишига ёрдам беради. Айнан шу аснода, ниҳонжинрон жанри кенг оммалашган Япония мамлакати бунинг ёрқин мисолидир.

XVII–XVIII асрлардаги кокугаку мактабида бундай ғояларнинг илдизи пайдо бўлган деб айтиш мумкин. Миллий лингвистик анъаналарнинг шаклланиши кўпинча ўз тилининг бошқа тиллардан устунлиги ҳақидаги тасаввурлар билан бирга кечади. Бу ҳол Россияда ҳам тахминан шу даврда кузатилган: масалан, М. В. Ломоносовнинг рус тилининг ғарб тилларига нисбатан алоҳида бойлиги ҳақидаги машҳур мулоҳазаларини эслаш кифоядир. Шунингдек, худди шундай ҳолатлар ўша даврдан икки аср фарқли республикамизнинг жадид маърифатчиларининг ўзбек тилининг бойлиги ва ифода имкониятларининг кўплиги ҳақидаги фикрларини эслаш муҳим аҳамиятга эгадир. Фитрат ўзининг тилга оид рисолаларида ўзбек тилининг табиий раволиги, сўз яшаш имкониятларининг кенглиги ва халқона оҳангдорлиги унинг устун жиҳатлари эканлигини таъкидлаган. Унинг замондоши бўлган айрим маҳаллий зиёлилар эса ўзбек тилидаги содда ва ихчам бўғин тузилишини тилнинг табиий гўзаллиги ва мусиқийлигининг далили деб билган, арабча ёки форсча мураккаб талаффузли сўзлар эса “бегона оҳанглар” деб танқид қилинган эди. Ўша давр баҳсларида гап, аввало, ўзбек тилининг миллий ўзига хослигини сақлаб қолиш, уни бошқа тиллардан фарқловчи жиҳатларни аниқлаш ҳақида кетган. Ломоносовнинг кенжа замондоши, кокугаку мактабининг йирик намояндаси Мотоори Норианага (1730–1801) япон тилида бўғинлар сонининг камлиги унинг мукамаллигининг далили эканлигини, хитой ва санскрит тилларидаги кўп сонли бўғинлар нотўғри бўлиб, ҳайвонлар товушларига ўхшашини ёзган эди. Ўша даврда гап, аввало, япон маданиятининг хитой маданиятидан фарқланиши ҳақида кетар эди. Бироқ япон миллатчилиги мафкураси якуний шаклини Мейдзи даврида якуний тус олди — айнан шу даврда ғарб кадриятларини ўзлаштириш ҳамда ўз миллий ўзига хослигини англаш масаласи кескин кўйилди. П. Дейл бу мафкуранинг шаклланишини Мейдзи даврининг охирига бориб боғлайди. Япон ҳукуматининг ҳарбийлаштириш даврида ҳамда мамлакат тарихида ягона бўлган мустамлакачилик экспансияси шароитида миллатчилик мафкураси давлат сиёсатида айланди ва бу “Кокутай но хонги” (“Давлат тузумининг ҳақиқий моҳияти”, 1937) каби расмий нашрларда ўз ифодасини топди. Ушбу асарнинг муаллифи ҳукмрон доираларга яқин бўлган профессор С. Ҳисамацу бўлиб, унда япон тилининг алоҳида кадрияти ҳақидаги ғоялар муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари, И. Кита 1919 йилдаёқ, кейинчалик “япон фашизмнинг библияси” деб аталган китобида шундай ёзган: “Халқ таълимида инглиз тили на зарур, на мажбурийдир... Инглиз тили онг учун заҳар, худди инглизлар хитой халқини барбод қилган афюнга ўхшайди. Инглиз тилини мамлакатимиздан тўлиқ қувиб чиқариш айниқса муҳим, чунки давлатни қайта ташкил этишнинг асосий мақсади — унинг миллий руҳини тиклашдан иборат”.

Урушдан кейин миллатчилик ғоялари бироз саёзлашди, бироқ, умуман йўқолиб кетмади. 1960-йиллардан бошлаб бу ғоялар яна қайта баён этила бошлади, 1945 йилдаги мавқега эга эмас эди. Шубҳасиз, бундай қайтишга Япониянинг иқтисодий ва технологик ютуқлари асос

бўлиб хизмат қилди. Ниҳонжинрон адабиётининг гуллаб-яшнаши ҳам айнан энг катта муваффақиятлар даврига тўғри келади.

Ўз маданиятининг, шу жумладан ўз тилининг, шунингдек ижтимоий тузумининг устунлиги ҳақидаги ғоялар фақат Японияга хос эмас. Бу борада мусулмон мамлакатларини ёки Россия давлатини эслаш кифоядир. Дунё миқёсида бундай қарашлар истиснога қараганда кўпроқ одатий ҳол саналади. Бироқ тил соҳасида улар энг кам даражада Ғарбий Европага хосдир. Сўнги бир неча аср давомида Ғарбий Европа ўзаро куч ва маданий ривожланиш даражаси жиҳатидан деярли тенг бўлган бир гуруҳ давлатлар билан рақобат қилар эди. Лотин тилининг мавқеидан воз кечилгандан кейин, ҳеч бир тил умумевропа тили сифатида мустаҳкамланмади (инглиз тили бунга даъвогарлик қилгунига қадар). Сўнги ўн йилликларда эса Ғарбий Европада ҳар қандай миллий ўзига хослик, жумладан тилга оид ўзига хослик, фашистлик ғояси билан боғлиқ қолганлиги сабабли ундан қочилади ва бу Европа интеграциясининг ҳукмрон концепцияларига зид келади. П. Дейл китобининг муқаддимасида шуни таъкидлайдики, Буюк Британияда ҳозир ҳеч кимга “Энглишнесс” (инглизлилик) ни тарғиб қилиш хаёлига ҳам келмайди; шу боис мазкур японча «японча ўзига хослик» ҳақидаги ғоялар ғайриоддий кўринади.

Аммо бундай японча концепциялар айрим ўзига хос хусусиятларга эга. Улардан бири шундаки, Япониянинг ғарбийлаштириш жараёни анча чуқур илдиз отган ва ҳар бир умумтаълимни тугатган япониялик миллий ғояларни замонавий, илмий фикрлаш орқали асослашга одатланган бўлади. Шу сабабли Японияда маълум бир ғояни шакллантиришда эндиликда фақат анъанавий — масалан, диний — далилларга таяниб бўлмайди. Ҳар қандай, ҳатто энг фантастик ғоя ҳам илмий ёки ҳеч бўлмаса квази-илмий асослашни талаб этади. Ниҳонжинрон бўйича нашрлар одатда илмий фактлар билан тўлдирилган, баъзида эса ҳаддан ташқари тўйинган бўлади; улардаги фактларнинг ҳар бири алоҳида олинганда ишончли бўлиши мумкин, улар экспериментлар натижаларига, математик аппаратга ва бошқа далилларга мурожаат қилиши ҳам мумкин. Аммо аслида муаллифлар фактлардан умумлашмаларга келишмайди; улар аввалдан белгилаб қўйилган постулатлардан келиб чиқадилар, сўнгра бу постулатларни тасдиқлашга энг мос келадиган фактлар улкан фактлар “денгизи”дан саралаб олинади — ёки умуман “тасаввур қилинган реаллик” яратилади. Албатта, бундай квази-илмий асарлар жанри фақат Японияга хос эмас: бизнинг мамлакатда ҳам бу ҳодиса олдин ҳам, ҳозир ҳам тез-тез учраб туради. Япон миллатчилиги нашрларининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, уларда тил масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Бошқа мамлакатларда ҳам бу борада ўхшашликларни топиш мумкин. Бизда нафақат Абдурауф Фитрат, балки XX асрнинг йирик олимлари ҳам ўзбек тилининг алоҳида улуғворлиги ва бойлигини, чет тиллардан устунлигини таъкидлаб ёзган — бунга Абдулла Қодирий, Ойбек каби таниқли адибларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Япония мамлақатида япон тараққиёт йўлининг ғарбникидан устунлигини исботлашга уринувчи деярли ҳар қандай асарда япон тилининг ўзига хос хусусиятлари ҳеч бўлмаганда шунчаки тилга олинади — бунга юқорида эслатилган “Кокутай но хонги” мисол бўла олади.

Бошқа томондан, ўз тилининг ва умуман маданиятининг алоҳида кадр-қимматига доир мулоҳазалар юритишга нафақат ҳаваскорлар, балки турли даврлардаги энг йирик япон олимлари ҳам мойил. Мотоори Норинага япон тилини илмий ўрганиш асосчиларидан бири сифатида тарихга кирган. Япония Иккинчи жаҳон уруши даврида Токиёда Мотооки томонидан ёзилган илмий жиҳатдан, шубҳасиз, муҳим бўлган “Кокугогаку-генрон” (“Япон тилшунослиги принциплари”) асари нашр этилган. У кейинчалик кўп бор қайта нашр қилинган; унинг парчаларининг рус тили таржимаси ҳам мавжуд [Языкознание 1983: 85–110]. Ушбу китобда ғарб структуравий лингвистикаси ғоялари кескин ва асосли равишда танқид қилинади, уларга қарши эса ғарб илм-фанидан беҳабар бўлган Мотоори Норинага ва бошқа кокугаку вакилларининг концепсиялари намунавий тарзда қўйилади.

Р. Е. Миллер таъкидлаганидек, япон тилига оид «далиллар» барча японларнинг ўзига хослиги, маданий жиҳатдан бойлиги ва бир хил (ягона)лигига «исбот» бўлиб хизмат қилиши керак. Ғарб тадқиқотчиларидан бирининг сўзларига кўра, бундай асарлар асосида японлар

“битта бахтли оила” сифатида тасвирланади. Шунга қарамай, япон жамиятининг бир хиллиги қайсидир даражада тан олинади (ёш ва жинс бўйича), бироқ бошқа ҳолларда инкор қилинади (синфга мансублик бўйича). Яъни, яна такрорланадиган нарса — “оилаларнинг ичидаги” фарқлар муҳим ўрин тутаяди.

Энг сеvimли ғоялардан бири — япон жамиятининг «гармониялилиги», унинг илдизлари яна тилнинг ўзига хос хусусиятларидан изланиши мумкин. Яна бир машҳур ғоя — японларнинг қадимий коллективизми каби қарашлар ҳам мавжуд.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Алпатов 1973—2006 — Алпатов В. М. Категории вежливости в современном японском литературном языке. М.: Наука, 1973. 2-е изд. М.: УРСС, 2006.
2. Алпатов 1988—2003 — Алпатов В. М. Япония: язык и общество. М.: Наука, 1988. 2-е изд. М.: Муравей, 2003.
3. О.В.Язковская Отображение мифоидеологической концепции кокутай в учебных очерках по истории Японии конца 30-40-х годов XX века. Вестник ТГТПУ. 2011. №2 (24).
4. Miller 1982 — Miller R. A. Japan's Modern Myth. The Language and Beyond. N. Y.; Tokyo: Weatherhill, 1982.
5. Moeran 1989 — Moeran B. Language and Popular Culture in Japan. Manchester University Press, 1989.
6. Fakhriniso L. The Japanese language teaching technologies based on computer simulation models //Asian Journal of Research in Marketing. – 2020. – Т. 9. – №. 4. – С. 1-7.
7. Makhmudovna L. F. The Role of Mnemotechnic Method in Teaching Japanese Language Hieroglyphs //Czech Journal of Multidisciplinary Innovations. – 2022. – Т. 12. – С. 69-72.
8. Лутфиллоева Ф. Япон иероглифларини ўқитиш методикаси ва ривожланиш тенденциялари //Хорижий филология. Тил. Адабиёт. Таълим.–Самарқанд, 2020. – 2020. – Т. 4. – №. 77. – С. 93-100.
9. Лутфиллоева Ф. М. Япон тили иероглифларини компьютер имитацион моделларидан фойдаланиб ўқитиш методикаси //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. Special Issue 2. – С. 1-143.
10. Makhmudovna L. F. Introduction Of Advanced Pedagogical And Information And Communication Technologies Into The Educational Process In Teaching Japanese Hieroglyphs //Czech Journal of Multidisciplinary Innovations. – 2023. – Т. 24. – С. 1-5.
11. Лутфиллоева Ф. М. Компьютер имитацион моделларидан фойдаланиб, хикоялар (мнемотехника) асосида япон тили иероглифларини ўқитиш методикаси. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати //Самарқанд, СамДЧТИ. – 2022. – С. 6-8.
12. Лутфиллаев М., Лутфиллоева Ф. Мультимедиа воситалар асосида визуализацияланган ўқитиш технологиялари //Анализ актуальных проблем, инноваций, традиций, решений и художественной литературы в преподавании иностранных языков. – 2022. – Т. 1. – №. 01. – С. 153-156.

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА  
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000